

ХОДЖКИН ЛИМФОМАСИДА ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

М.А.Қадамова, У.А.Рузметов, Авезов А.У., Айтимова Г.Ю.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида Кi67 реагенти - ядро оксили ўсимта хужайралари пролифератив фаоллиги белгиси бўлиб фоиз сифатида баҳоланади. Кi67-ташхислаш мақсадида инсонларда хавфли ўсмаларнинг биологик салоҳиятини аниқлаш учун ишлатилади. Ядро хужайраларинг бўялиши куйдагича тавсифланади. <10% дан кам паст фаоллик , 10-20% ўрта фаоллик , >20% юқори пролифератив фаоллик. Ушбу натижалар орқали саратон касаллигини прогностик омилини аниқлаш мумкин. Иммуногистокимёвий кўриниши 20 нафар беморларда кўплаб лимфоид тўқимаси асосан майда ва эпителиоид лимфогистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ >20% юқори (40-50 %) жигарранг ранга бўялган.

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида Кi67 реагенти - ядро хужайраларинг бўялиши куйдагича тавсифланди. <10% дан кам паст фаоллик , 10-20% ўрта фаоллик , >20% юқори пролифератив фаоллик . Иммуногистокимёвий кўриниши 20 нафар беморларда кўплаб лимфоид тўқимаси пролиферацияси, нодуляр склероз учраган ва лимфогисти-оцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ >20% юқори (20-30 %) жигарранг ранга бўялган.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар турида барча танлаб олинган иммуногистокимёвий реагентлар CD15, CD30 CD20, PAX5 Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган ва Кi67 антигенининг 40-50 % юқори позитив реакцияси кузатилди.

Ходжкин нодуляр склероз турида барча танлаб олинган 20 нафар беморларнинг иммуногистокимёвий натижалари CD15, CD30 CD20, PAX5 реагентларида Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган ва Кi67 антигенининг 30-40 % юқори позитив реакцияси кузатилди.

Ходжкин кам лимфоцитар турида барча танлаб олинган 20 нафар беморларнинг иммуногистокимёвий натижалари CD15, CD30 CD20, PAX5 реагентларида Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайралари тўқ жигарранг ранга бўялган позитив реакцияси ва Кi67 антигенининг 20-30 % юқори позитив реакцияси кузатилди.

Иммуногистокимёвий текширув натижалари шуни кўрсатдики барча беморлар Ходжкин лимфомаси билан тўғри касалланган бўлиб CD15, CD30 PAX5 реагентлари позитив реакцияси, CD20 реагентининг фақат фоллику-ласида позитив реакция кузатилган. Полифератив активлиги бўйича Кi67 антигенининг лимфогистоцитар турида 40-50 % юқори позитив реакцияси кузатилди, бу эса ушбу турини қисман агрессив кетишида намоён бўлди.

Қадамова Маржона Асқарбек қизи.

<https://orcid.or>